# НАЗАРИЙ ИШЛАРНИ ВА КАДРЛАР БИЛАН ИШЛАШНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРАЙЛИК

(Давоми. Боши биринчи бетда).

партияга мансублигини сақлаб қолиш, таълим олувчилар тоифасини пухта ўйламай кенгайтиришдан қочиш, партия мулки талон-торож қилинишига йўл қўймаслик зарурлиги ҳақида гапирдилар. Янги касбларнинг оғиздан тушмаётган номларини деб фалсафа ва сиёсий иқтисодга доир юқори малакали мутахассислар, Маркс, Энгельс, Ленин билимдонларидан маҳрум бўлиш мумкин эмас, деб таъкидланди мажлисда. Бу партиянинг энг қимматли бойлигидир.

КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи котиби Ю. А. Прокофьев нутқида устиворлик муаммоси давом эттирилди. Биз аввало: ислоҳот нима учун зарур, деган саволга жавоб беришимиз керак. Бунга икки хил жавоб қайтариш мумкин: ислоҳот ўқув юртларининг ўзидаги ишларни ўнглаб олиш учун зарур; ислоҳот партиядаги ишни ўнглаб олиш учун зарур. Менимча, иккинчи жавоб тўғрироқ. Коммунизмга қарши тўлқин авж олмоқда, аммо партия назариётчилари бунга жиддий жавоб беришяптими? Ўқув юртларимиз очиқ бўлиши керак — лекин ўқитувчилар учун, ишчиларни, меҳнаткашларнинг бошқа тоифаларини бозорга тайёрлаш учун очиқ бўлиши керак.

Бугун гап бораётган ислоҳотда асосий масала — партиянинг, унинг келажагининг, партиянинг сиёсий рақибларга қарама-қарши туриш қобилиятининг манфаатларидир, деб қўшилишди кўпгина нотиқлар. КПСС Марказий Комитетининг котиби П. К. Лучинскийнинг фикрича, партия ўқув юртлари системасидаги профессорларнинг, муаллимларнинг оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари шунга фаол ёрдам бериши керак. Бу соҳада янги муаммоларга тезкорлик билан фикр билдириш, барча ишга мунтазам тус бериш, ўз фаолиятини мувофиқлаштириб борадиган ўзига хос «тез ҳаракат қилиш гуруҳлари»ни тузиш айниқса муҳимдир. КПСС Марказий Комитетининг котиби В. М. Фалин таъкидлаб ўтганидек, КПСС учун юқори малакали кадрларни тайёрлашдаги устиворлик чет тиллар, тарих ва бошқа фанларга доир курсларни ташкил этиб, партия ўқув юртларида ёш авлод билан иш олиб бориш имкониятларини излаш билан ҳимоя қилиниши керак.

В. А. Ивашко муҳокамага якун ясаб таъкидладики, КПСС илмий муассасалари ва ўқув юртлари системасини ислоҳ қилиш ижтимоий онгни социализм қадриятларига қаратиш вазифасини ҳам қўймоқда. Баъзи бировлар социализм қадриятлари ўз кучи ва аҳамиятини йўқотди, деб эълон қилишга шошилмоқдалар. Ижтимоий онгни социализм қадриятларига қаратишда фан ёрдам бермоғи керак. Лекин фан билан маслаҳатлашмай қабул қилинган сиёсий қарорларни кейинчалик асослаш ва оқлаш билан кўп йиллар давомида шуғулланиб келган фан эмас, балки сиёсий қарорларнинг назарий ва тажриба базаси бўлиб хизмат қиладиган фан ёрдам бериши керак.

КПСС Марказий Комитети котибияти кўриб чиқилган масала юзасидан қабул қилган қарор матбуотда эълон қилинади.

**КПСС Марказий Комитетининг матбуот маркази.**

# ЧИРЧИҚДА НАВОИЙГА ҲАЙКАЛ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Митинг очиқ деб эълон қилинди. Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР гимнлари янгради.

Ҳайкални очиш ҳуқуқи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Чирчиқнинг дастлабки бунёдкорларидан бири, шаҳар фахрий фуқароси Таборак Турдиалиев, Меҳнат шуҳрати ордени ва Шавкатли меҳнати учун медали соҳибаси, «Ғунча» ишлаб чиқариш бирлашмаси тикувчиси Озода Мавлонова, Меҳнат Қизил байроқ ва Ҳурмат белгиси орденлари соҳибаси, Чирчиқ пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси Вера Дмитриевна Детиковаларга берилди.

Улар тасмани кесгач, ҳайкалнинг шойи ёпинғичи унинг пойига тушди. Одамлар нигоҳи қаршисида шоирнинг бронзадан ишланган қиёфаси намоён бўлди. Митинг қатнашчиларининг гулдурос қарсаклари янгради.

Шундан сўнг сўз халқ депутатлари вилоят кенгашининг раиси, вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби С. Мамарасуловга берилди.

— 500 йилдан зиёд давр мобайнида шоирнинг ўлмас сўзлари қалбларни ҳаяжонга солиб келмоқда; — деди у. — Эзгулик ва адолат, ҳақиқат ва гўзаллик, муҳаббат ва дўстлик ғояларини тараннум этган мутафаккир ижоди ҳамон ҳар биримиз учун тушунарли ва қимматли бўлиб қолмоқда. Нафақат бизда, балки бошқа кўпгина республикаларда шоирнинг 550 йиллиги кенг нишонланаётган бугунги кунда унинг қанчалик улуғворлигини янада тўлиқроқ ҳис қиламиз.

Лойиҳанинг бош меъмори, СССР халқ архитектори С. Р. Одилов А. Навоий ҳайкалини яратиш ва уни шаҳарга ўрнатиш борасидаги хайрихоҳликлари учун чирчиқликларга миннатдорчилик билдирди.

Митингда сўзга чиққан 15-мактаб ўқувчиси А. Малова, 22-мактаб ўқитувчиси Р. Қўчқорова, шоир Маъруф Жалил, болгар шоираси Мария Филиппова, 10-мактаб директори О. Е Паремузова, Тошкент Давлат политехника институти филиали декани А. Т. Дадахўжаев ва бошқалар ҳам буюк шоир ва унинг улкан мероси ҳақида тўхталдилар.

Шундан сўнг митинг ёпиқ деб эълон қилинди. Ўзбекистон ССР ва СССР гимнлари янгради. А. Навоий ҳайкали пойига чирчиқликлар ва шаҳар меҳмонлари гуллар қўйишди. А. Навоий шеърлари ва уларга басталанган қўшиқлар ўзбек халқ рақсларига уланиб кетди. Эндиликда А. Навоий номи билан аталаётган 8- ва 10-микрорайонлар оралиғидаги кўча ва майдондаги байрам шодиёналари узоқ давом этди.

Тантанали маросимда вилоят партия қўмитаси иккинчи котиби Ш. Н. Маҳмудова, вилоят партия қўмитаси котиблари В. Г. Гордиенко, Ш. О. Дадабоев қатнашдилар.



# ЕТТИ ХИЛ КАСБ ЎРГАТАДИ

● *Ҳунар-техника билим юртларида*

КЎПИНЧА ўрта ҳунар-техника билим юртлари ҳаёти ҳақида гап кетар экан, афсуки, уларга паст назар билан қараш ҳоллари ҳамон давом этаётганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Бунга асосий сабаблардан бири — ота-оналарнинг ҳунар мактабларини қандайдир жазо сифатида юбориладиган жой деб билишлари, болаларга: «паст баҳоларга ўқисанг, билим юртига борасан»,— деган тушунчани сингдиришларидир. Ваҳоланки, жуда кўплаб ҳунар даргоҳларида ўқиш, касб эгаллаш учун анча қулайликлар яратилган.

Биз пойтахтимиздаги 24 ўрта ҳунар-техника билим юртида бўлганимизда бунга тўла ишонч ҳосил қилдик. Ўрта Осиёда ягона бўлган бу масканга қабул шартлари бемалол олий ўқув юртларига кириш тартиблари билан тенглашади. Бу бежиз эмас. 1973 йилда чет эл туризми бўйича СССР Давлат қўмитаси Тошкент шаҳар бўлими ҳузурида ташкил этилган бу даргоҳнинг битирувчилари асосан Тошкент шаҳридаги ресторанларга ишга юбориладилар. Билим юртида официантлар, чет эл мамлакатлари ва ўзбек миллий таомларини тайёрловчи ошпазлар, қандолатчилар, сотувчилар тайёрланадилар. Айни кунларда бу ерда 780 талаба таҳсил олмоқда, уларнинг 80 фоизга яқинини қизлар ташкил этади.

Биз билим юрти ҳаёти билан танишар эканмиз, бу ерда ўзи танлаган касб устаси бўлиб етишиш учун барча имкониятлар етарли эканлигига гувоҳ бўлдик. Жумладан, махсус фан кабинетлари, керакли асбоб-ускуналар, жиҳозлар билан таъминланган хоналар ўқувчилар ихтиёрида. Ишлаб чиқариш машғулотларини (практикалар) эса пойтахтимизнинг энг катта, олий ресторанларида хусусан, «Зарафшон», «Чорсу» ресторанларида ўтайдилар. 200 ўринли барча қулайликлар яратилган ётоқхона, талабалар бўш вақтларини кўнгилли ва мазмунли ўтказишлари учун тикувчилик, наққошлик, рақс, вокал-чолғу ансамбли, турли спорт тўгараклари мавжуд. Шунингдек, бу ерда таълим-тарбия ишларини яхшилашда катта ҳисса қўшаётган муаллимлар жамоаси ҳам фаол ишламоқда. Жумладан, ёшлар ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Т. Аванова, катта ўқитувчилар С. Юнусова, А. Шрамкова, 1-даражали усталар Р. Исроилов, Н. Муҳамедов, М. Қодирова, услубчи-ўқитувчилар А. Степанова, С. Умаровалар номларини ҳурмат билан тилга олишади.

—Ҳозирги кунда, —дейди билим юрти директори Илҳом ака Саъдиев, — битирувчиларимизга эҳтиёж қисқараётганлиги сабабли биз баъзи бир мутахассисликлар бўйича қабулни камайтиряпмиз. Бунинг ўрнига талаб кўп бўлган мутахассисликлар бўйича, мисол учун мева ва сабзавот савдо қилувчи сотувчилар тайёрламоқдамиз.

Тошкент деҳқончилик саноати бирлашмаси билан келишилган ҳолда мана шундай сотувчилар тайёрловчи бўлимда 60 талаба ўқимоқда.

Яқин кунларда Тошкент шаҳримизда «Тата» деб номланган ҳинд таомлари тайёрланувчи ресторан иш бошлашини кўзда тутиб ана шу ресторанда хизмат қилувчилар тайёрлашни ҳам зиммамизга олганмиз. Ўтган йили ўқишга қабул қилинган ёшларимиздан 47 нафари официант, 56 нафари ошпазлик гувоҳномасини қўлларига олгач, янги ресторанда иш бошлайдилар.

Ҳунар-билим юртидаги яна бир қулайлик, бу ерда Тошкент Савдо техникуми билан яхши ҳамкорликнинг йўлга қўйилганлигидир. Яъни, ўқув юртида битирув имтиҳонлари топширилаётган, диплом ҳимоя қилинаётган даврларида албатта техникумдан махсус комиссия аъзолари иштирок этадилар. Улар меҳрини қозонган, лойиқ деб топган ўн ва ундан кўпроқ битирувчилар Тошкент Совет савдо техникумига имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

Албатта, барча жойда бўлгани каби бу ҳунар масканида ҳам муаммолар йўқ эмас. Ўқитувчиларни ҳам, ўқувчиларни ҳам қийнаб келаётган муаммо — бу ўзбек тилидаги махсус ўқув қўлланмалар йўқлигидир. Бу ҳақда жуда кўп марта айтилишига, халқ таълим вазирлигига буюртма берилишига қарамай, ҳозирча самараси бўлмаяпти.

Шунингдек, қоида бўйича 8-синфни тугатиб келган ўқувчилар бепул кийим-кечак билан таъминланишлари керак. Лекин бундай мақсадларга ажратилган кийим-кечаклар сифати паст, шунинг учун ҳам ўқувчилар уларни олмайди ҳам, киймайди ҳам. Фақат бу ҳунар-билим юртида эмас, балки қайси ўқув юрти бўлмасин, ўсмир тарбиясида ота-оналар яқиндан ёрдам беришлари керак. Ваҳоланки, кейинги пайтларда кўпчилик ота-оналар кундалик уй-рўзғор ташвишлари билан бўлиб энг асосий вазифалари — фарзандлари таълим-тарбиясига вақт ажратолмай қолдилар. У нима иш билан шуғулланяпти, бўш вақтини қандай ўтказаётганлиги билан қизиқмай қўйдилар. Бунинг хунук оқибатлари эса бугунги кунда барчага маълум. Ўғил-қизларимизни тўғри йўлга солиш, улар ўзлари қизиққан касбкор эгалари бўлиб етишишларига кўмаклашиш ҳар бир ота-она учун ҳам фарз, ҳам қарз. Ўз навбатида билим юрти ўқитувчилар, усталар жамоаси ёшларнинг ўзлари ихлос қўйган касбларни пухта эгаллашлари учун бор имкониятлардан фойдаланадилар.

**З. ЖЎРАЕВА.**



● Суратларда: билим юрти ҳаётидан лавҳалар.

Сураткаш Д. АҲМАД.

● *Дўстликнинг қадрига етайлик*

# ТУТАШ ҚАЛБЛАР

Дарё ирмоқсиз бўлмайди, дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат булоқлар қўшилиб катта оқин дарёлар ҳосил қилгани сингари миллат ва элатлар бирлашиб давлатни ташкил этади. Ўзбек ва тожик халқлари бу туманда бир оила фарзандларидек бир тан-бир жон бўлиб умум манфаат йўлида фидокорона меҳнат қилаётганларини ким билмайди дейсиз? Уларнинг ана шу баракали меҳнатини буюк дарёларга қиёс қилгинг келади. Муттасил оқар дарёлардан эса, сарҳадсиз денгиз вужудга келиши, шубҳасиз.

Ҳа, ўзбек ва тожик халқларининг биродарлиги, уларнинг бир-бирларига содиқ дўстлиги асрлардан бери мавжуд.

**Шоир Султон Акбарийнинг:**

**Тоғларидай елкадошдир,**
**Гўё духтари оташдир.**
**Мирзачўлу Зафаробод,**
**Пахтазори серқуёшдир.**
**Бири тожик, бири ўзбек**
**Бири қошдек, бири кўздек,**

дея таъриф этгани ўринлидир. Шу ўхшашлик, қон-қариндошликдан ҳам улуғроқ бахт борми?

Бугунги кунда бу дўстлик яна ҳам чуқур илдиз отиб, мустаҳкамланиб бораётир. Тўй ва маъракалар бир-биримизнинг иштирокимизсиз ўтмаслиги, ҳаётимизнинг бирлиги ва муштараклиги бунга жонли мисолдир.

Ноҳиямизда тожик миллатига мансуб кишилар анчагина миқдорни ташкил этади. «Ленинобод», «Партия XX съезди», Тимирязев номли, «Октябрь 40 йиллиги» ва бошқа бир қатор жамоа хўжаликларида, корхона, ташкилот ва муассасаларда тожик миллатига мансуб бўлган биродарларимиз бошқа халқлар билан елка-ма-елка туриб меҳнат қилиб, яшаб келаётганликлари ҳавас қилгулик бир ҳолдир.

Ўз меҳнати билан катта обрў ва эътиборга лойиқ бўлган бир қатор тожик биродарларимиз номларини фахр ва ифтихор билан тилга олса арзийди. Ноҳия йўл қурилиши ва таъмирлаш бўлимининг бошлиғи А. Зарипов, «Ленинобод» қишлоқ шўросининг раиси А. Бўронов, «Партия XX съезди» ва «Ленинобод» жамоа хўжаликлари партия қўмиталарининг котиблари Ф. Фармонов, Т. Тошқулов, «Коминтерн» шифохонасининг бош шифокори Ш. Тошев, тери-таносил касалликлари шифокори Ж. Қурбонов, «Кўкорол» қишлоқ Совети ижроқўмининг раиси, «Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган маданият ходими» А. Азизов, халқ таълимининг илғор жонкуярлари Ғ. Муҳаммедов, Н. Набиев, Д. Темиров, Х. Обидов ва бошқалар фикримизнинг далилидир. Уларнинг мақсадлари муштарак: ноҳиямизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалтириш, халқ фаровонлигини оширишга қаратилган.

Умумманфаат йўлида қилинаётган ибратли ишларда ўзбек ва тожик биродарларимизга катта зафарлар тилаймиз ва дўстлигимиз асло завол кўрмасин, деймиз.

**Нурилло ИСМАТОВ,**
**Бўка ноҳиясидаги Чапаев номли 8-ўрта мактаб ўқитувчиси.**

● *Депутат ҳисоб беради*

# ТАРОЗИНИНГ ИККИ ПАЛЛАСИ

УЧРАШУВГА деярли ҳамма келганди. Президиумда «Водоканал» тресто бошлиғи З. Т. Солихўжаев, Тошкент тикланиш давлат кооператив қурилиш бирлашмаси бошлиғи К. Ж. Тошпўлатов, «Тошгаз» бошлиғи ўринбосари Т. Ш. Шокиров, шаҳар бош архитектори Д. В. Латипов, шаҳар телефонлаштириш бошқармасининг бошлиғи П. Ҳ. Умаровлар ўтиришарди. Демак бу шунчаки учрашув эмас. Бекорга буларни чақиришмаган.

Ҳали анча вақт борлигини ҳисобга олиб, ёнимда ўтирган қарияларни гапга тутиб кўрдим. Собир Раҳимов ноҳияси Бирлик маҳалласининг Чувалачи кўчасида истиқомат қилувчи Ҳожимат ота Мукаррамов ва Карим ака Муҳамедовлар менинг мақсадимни англашгач, куйиниб гапира кетишди:

— Биласизми, ўғлим. Депутат сўзининг устидан чиқмаяпти. Сайлангунига қадар ваъдалар берганди. Кейин маҳалламизга бирор марта ҳам бориб суҳбатлашмади. Наказлар бергандик. Яна бунинг устига биз яшаётган хонадонларнинг чироқлари тез-тез ўчиб туради. Бу ҳақда тегишли ташкилотларга бир неча бор мурожаат қилдик. Лекин натижа бўлмаяпти. Кўчамиз асфальтланганди. Ҳозир ўйдим-чуқур бўлиб ётибди. Яна киоска қуриб беришлари керак...

Ким билан суҳбатлашмай, ҳаммаси ўзининг дарди ёки депутатдан ниманидир ундириш илинжида бу ерга келганлигини фаҳмладим.

Ҳисобот йиғилиши ҳам бошланди. Минбарга 117-миллий — ҳудудий сайлов мавзесидан СССР халқ депутатлигига сайланган депутат, «Ўзбекгидроэнергострой» трестининг бошқарувчиси А. Қ. Эргашев чиқди.

— Мана сизлар билан учрашмаганимизга ҳам ярим йилча вақт бўлди,— деди у.— Бугун ушбу давр ичида бажарилган наказлар ва қилинган ишларим ҳақидаги ҳисоботимни тақдим этмоқчиман. Хабарларинг бўлса керак, СССР халқ депутатларининг IV съездида мени СССР Олий Советининг аъзолигига сайлашди. Бу менга янада масъулият юклади. Энди ҳар бир бўладиган сессияларда қатнашишим керак. Шунга қарамасдан сизлар билан учрашиб тураман. Ҳар бир маҳаллада алоҳида йиғилишиб муаммоларни ўша жойнинг ўзида ҳал қилишга ҳаракат қиламиз. Сайлов олдидан уч маротаба шундай учрашувлар ўтказгандик. Олинган наказларнинг ҳаммасини режалаштириб қўйганмиз. Шу кунгача сайловчилардан 359 киши 768 та масалада мурожаат қилишганди. Шулардан 294 мурожаат ва 544 та масала ижобий ҳал қилинди. Ёрдамчиларим ва менинг қабулимга 1989 йил май ойидан буён 800 дан зиёд сайловчи келди ва қарийб мингга яқин киши телефон орқали мурожаат этишганди. Ваколатимдан фойдаланиб, турли хил идораларга 136 та депутатлик сўрови юбордим. Шулардан 45 таси Иттифоқ ва жумҳурият идоралари номига эди. Мана ҳаммаси бўлиб 116 та ижобий жавоб олинди. Шундан 42 тасига Иттифоқ ва жумҳурият идоралари жавоб йўллашган.

Депутат ўзининг қилинган ишларини шу тарзда айтиб ўтди. Киров ноҳиясида бир неча километрлик газ қувури, сув тармоқлари, канализация қилинганлиги ва ҳали бу ишлар давом этаётганлиги, Янги Шаҳристон даҳаси қурилиши бошлаб юборилганлиги, режада Қоратош кичик даҳасини ҳам қуриш кўзланаётгани, Гулбозор маҳалласида таъмирлаш ишлари бошланганлиги, Кўкча маҳалласида 9 та тўрт қаватли бино, Ҳувайдо маҳалласида мактаб қурилаётганлиги тўғрисида ва ҳоказо ишлар ҳақида бирма-бир санади.

Ҳаммаси ана шундан кейин бошланди. Одамлар жонланиб кетдилар. Кимдир ҳаяжон билан, кимдир вазминлик билан маҳаллаларнинг ютуқ ва муаммоларини, камчиликларини ўртага ташладилар.

Биринчи бўлиб сўз олган Кўкча маҳалла қўмитасининг раиси А. Маннопов маҳаллада канализация ишлари бажарилаётганлигини таъкидлаб, депутатга маҳалла аҳлининг миннатдорчилигини изҳор этди ва канализация ишларидан сўнг асфальт ётқизишни тезлатиб беришни илтимос қилди. Боғкўча мавзеси 17-уйдан вакил бўлиб келган қария қиш кунларида ҳам томдан чакка ўтаётганлигини, кўчиб келганларидан бери таъмирлаш ишларини чўзиб юборишганини куюниб гапирди. Киров ноҳияси Обод маҳалла қўмитасининг раиси Т. Зокиров маҳаллага сув ўтказилганлигини, лекин 80 фоиз хонадон канализациялаштирилмаганлигини айтди. Октябрь 50 йиллиги маҳалла қўмитасининг раиси И. Юсупов маҳалла ҳудудига канализация ўтказишни ва ишлар ўлда-жўлдалигини, Маҳтумқули кўчасида аҳлат сувлари кўчага оқиб ётганлигини бу ҳақда тегишли ташкилотларга мурожаат қилишганини, Муқимий маҳалла қўмитасининг раиси Т. Исроилов депутатларни сайлаймиз, лекин улар келаяпти-кетаяпти, ишлар эса чала қолаяпти деса, Обод маҳалласининг яна бир вакили Саидазим ака ҳозирги маҳаллаларнинг асл шаклини сақлаб қолишни бу ҳақда жумҳуриятимиз Президенти ҳам таъкидлаб ўтганини, лекин кимга мурожаат қилишни билишмаётганликларини, маҳкамалардаги эшикбонлар эса керакли раҳбарлар билан гаплашишга рухсат бермаётганлигини, халқ эса дилидагини сўролмаётганлигини, кишиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишга тўғаноқ бўлаётган бюрократларни танқид қила кетди.

Кулолқўрғон маҳалласида масжид қуришга фатво берилганди. Бу ишни маҳалла жонкуяри Жўра ака Нишоновга топширишганди. У бу ҳақда сўзга чиқиб, масжиднинг умумий кўриниши, ва ён томондан кўриниши туширилган лойиҳа суратларини кўрсатиб, марказий матбуот вакиллари Тошкентда кўпминг кишилик масжид қуришяпти экан деб вайсашаётганлигини, бу масжид улар айтганчалик 50 минг кишилик эмас, 5 минг кишига мўлжалланганлигини, Ҳазрати Абу Аюб Ал Онсорий номли бу масжид қурилишига ҳаттоки, Саудия Арабистонидан келган вакиллар ҳам 3 миллион 600 минг сўм пул ва ғишт заводини қуриб беришда ёрдам қилишларини ваъда қилиб кетганлигини, лекин уларнинг юртида уруш бошланиб кетганлиги сабабли бу ишлар вақтинча орқага сурилаётганлигини, ҳозиргача 70 минг сўм маблағ тўпланганлигини, ишга бош-қош бўлишда фақатгина депутат эмас, маҳаллалар қўмитаси раисларининг роли беқиёслигини гапирди.

Кейинги сўзга чиққанлар олдингиларга нисбатан ҳаяжонланмасдан, қизишмай, бафуржа ўз таклифларини айтдилар. Чунки, 70 йилдан буён йиғилиб қолган муаммоларни бир кунда бирданига ҳал қилиб бўлмайди-ку?!

Инсон ҳаётга яшаш учун келади. Бас шундай экан, бир киши шунча ишни бир ўзи эплай олармикан? Тўғри, савобли ишни бошлагандан кейин охиригача қилиш керак. Лекин меъёри билан. Маҳалла қўмиталарининг раислари юқорида айтишган майда-чуйда икир-чикирларни ноҳия сессияларида кўтариб чиқишса ҳам бўлади-ку?!

Шу ҳақда Октябрь ноҳия маҳаллалар кенгашининг раиси Ё. Обидов, Қизил деҳқон маҳалласидан Н. Абзалов, Бобур маҳалласидан Б. Жўраев, Юнусобод даҳаси 15-мавзе маҳалла қўмитасининг раиси Э. Қодировлар мулоҳаза юритдилар.

Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деб доно халқимиз бежиз айтмаган. Лекин бир депутатга шунча ташвиш, одамларнинг дардини тинглаш оғирлик қилмасмикан? Аслида ҳамма ишларни маҳаллалардан бошлаш керак. Шаҳримизда эски, тор кўчалар жуда кўп. Уларда иш олиб боришнинг ўзи қийин. Чунки билмасдан кимнингдир сув тармоғини, ёки телефон симини узиб қўйиш эҳтимолдан ҳоли эмас. Натижада ўша ерда ишлаётган ишчилар билан аҳоли ўртасида келишмовчиликлар келиб чиқади. Ёки механизация машиналарини маҳаллаларда қолдириб бўлмайди. Эртасига борсанг уларни болалар «яланғочлаб» кетган бўлади. Иккинчидан, ўша маҳаллаларда яшаётган раҳбар ходимлар ҳам депутатга яқиндан ёрдам берса, бирор жойи камайиб қолмайди.

Мен йиғилишдагиларни кузатиб ўтириб, шундай хулосага келдим. Илгари ҳам жумҳурият, вилоят шаҳар ва ноҳия кенгашларига депутатлар сайлаб келганмиз. Лекин бирорта депутат ишни қойиллатиб бажарганини эслай олмаймиз. Одамлар ҳеч қачон рози бўлмас эканлар. Ҳеч ким депутатдан халқ депутатлари съездларида қандай масалалар ўртага қўйилганди, сизнинг фикрингиз қандай эди деб сўрамади.

Мамлакатимизда социалистик давлат ва ўзини-ўзи бошқаришнинг асосий негизи бўлган халқ депутатлари Кенгашларининг тўла ҳокимиятни таъминлаш сиёсий системасини ислоҳ қилишнинг ҳал қилувчи йўналишидир. Бу сўз пайдо бўлиб ҳозир қоида тусига кирди. Энди эса у шиор бўлиб янграмоқда.

СССР халқ депутатларининг III съездида СССР Конституциясининг 6—7-моддалари ўзгартирилди. Ушбу тузатиш халқ депутатлари Кенгашларининг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаб, масъулиятини оширди. Шу сабаб СССР халқ депутати А. Қ. Эргашев билан ҳисоботдан сўнг учрашишни кўнглимга тугиб қўйгандим.

— Тўғри, одамларимиз ҳали шуни тушуниб етишмаяпти. Турғунлик давридаги депутатларга ишончсизлик ҳали ҳам сақланиб келмоқда. Одамларга зарур пайти жонини ҳам берадиган фидокор кишилар керак. Мен бир ўзимман. Халқ эса кўпчилик. Мен билан сайланган депутатларни бирорта ишга бош қўшаётганини билмайман. Яқинда бир қизиқ воқеа бўлди. Олмалиқ шаҳридан келган бир аёл трамвайда кетаётиб, ишлари битмаётганидан ҳасрат қилиб гапирган экан, одамлар бизни трестни кўрсатиб «шу ерда Эргашев деган депутат бор, шунга кир, ўша сенинг ишингни ҳал қилиб беради» дейишибди. Унга ҳазиллашиб айтишганми, ёки ростакамигами билолмадим. Лекин тегишли ташкилотлар билан боғланиб, ўша аёлнинг ишини ҳал қилиб бердим. У хурсанд чиқиб кетди.

Бугун парламентдаги воқеалар билан ҳам танишиб бориш зарур, деб ўйлайман. Чунки биз ўзбекларнинг тўйимиз ҳам, азамиз ҳам, дардимиз ҳам бир. Буни тушуниш керак албатта. Ҳали юқорида тўғри айтиб ўтишди. Маҳаллалаларда муаммолар йиғилиб қолган. Халқимизда яхши одат бор. Тўхтасин ота Абдуллаев ҳашар усулини эслатди. Буни ҳамма жойда жорий қилиш керак. Илгари маҳаллалар қайси кўча бузилишини, қайсиниси қолишини ўзлари билишмасди. Биз Тошкент тикланиш давлат кооператив қурилиш бирлашмаси билан ана шу ишларни ҳал қилдик.

— Акром Қурбонович сиз сайланган ҳудуддан биламизки жумҳурият, вилоят, шаҳар ва ноҳия Кенгашларига ҳам сайланган депутатлар бор. Шуларни тўплаб, депутатлар гуруҳини тузса бўлмайдими? Шунда наказларни бажариш бир мунча яхшиланармиди...

— Яхши бир фикрни ўртага ташладингиз. Ҳақиқатан ана шундай депутатларимиз бор. Лекин бирор киши бу ҳақда менга мурожаат қилмади. Агар мурожаат қилишса, биргаликда ишлашга ҳамиша тайёрман. Мен билан шаҳар ижроия қўмитаси, Октябрь, Киров ноҳия ижроия қўмиталарининг раислари муаммоларга ижобий ёндашиб, яқиндан ёрдам бераяптилар. Биргина Собир Раҳимов ноҳия ижроия қўмитасининг раҳбарлари негадир ўзларини бу ишлардан четга олаяптилар. Аслида буларни ноҳия ижроқўми ўз сессиясида кўриб чиқиб, ҳал қилиши керак. Мана «Водоканал» тресто билан ҳам биргаликда масалаларни кўриб ҳал қилаяпмиз. Баъзи ташкилотлар ўзларини олиб қочаяпти, масъулиятни сезмаяпти. Худди шу каби депутатлар билан биргаликда ҳамкорлик қилсак, ишларимиз янада олдинга силжир эди.

**Ҳ. ЮНУСОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг ўз мухбири.**

